

"ШИФОКОР" КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ

Жўраева З.Ш  
ўқитувчи, КДПИ  
Хайруллаева Сарвиноз Хатамжон кизи  
КДПИ, 06/21 гурух талабаси

**Аннотация:** Мақолада "шифокор" концепти лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилинган бўлиб, унда ўзбек халқи амалий нутқида тиббий атамалар ва уларнинг ўрнида қўлланилувчи сўз ва бирималарнинг лингвомаданий жиҳатлари кенг ёритилган. Ўзбек халқи маданиятида шифокорлик касби "шараф", "масъулият", "фидокорлик", "мехнатсеварлик" каби сифатлар билан таърифланади. Уларга катта ишонч билдирилиб, ҳурмат килинади. Тарихдан маълумки, ниҳоятда тажрибали, етук, укимишли табибларни халкимиз ҳаким деб атаган. Букрот (Гиппократ). Жолинус (Гален). Абу Бақр ар Розий, Абу Али ибн Сино каби ҳакимлар машҳур.

"Шифокор" концептини семантик жиҳатдан таҳлил қиласак, ушбу лексик Майдондаги лексемаларга стоматолог, окулист, лор, эндокринолог, онколог каби қўплаб халкаро сўзларни; хамда табиб, доя каби миллий сўзларни киритишимиз МУМКИН. "Доктор" лексемаси байналмилал сўзлар категорига кириб, лотин тилида "doctor" "ўқитувчи", "муаллим", "устоз" каби маъноларни ифодалаган [1, 638]. Ҳозирги кунда, ушбу лексема иккита семани олган ҳолда, полисемик хусусиятни ўзида мужассамлаштиради;

2. Докторлик Диссертациясини химоя килган фан номзодлари ёки профессорларга бериладиган олий илмий даражада шу даражани олган ходим

ДОКТОР

1. Касалларни даволовчи олий маълумотли тиббиёт ходими Чизма 1. "Доктор" лексемасининг маънолари [1, 638] Кўриниб турибдики, "доктор" лексемаси ўзининг биринчи семасига кўра "тиббиётга оид шахс номлари" парадигмаси аъзолари учун умумлаштирувчи интеграл сема вазифасини бажаради. Ўзбек тилида "доктор" лексемаси билан бир категорда "шифокор", "врач", "тиббиёт ходими хамда "духтир" лексемалари кўлланилади [2, 582]. Демак, ўзбек тилида мазкур лексемалар ўзининг "даволовчи" семасига кура ўзаро синоним ҳисобланади. Забек тили завашистемол лексикасида пиши дилашон кўз Шунингдек, Ўзбек тили умумистеъмол лексикасида тиш дўхтири, кўз дўхтири, кулок дўхтири, томоқ дўхтири, бурун дўхтири каби кўшма лексемалар хам кўлланилади. Бутун оламнинг зарарланаётганлигини маъруза қиларкан, иккала кўзимни обдан текшириб, кўз дўхтирига учрашни

# "INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION: WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"

маслаҳат берди. (Х.Нуруллаев "Ҳаммаси асабдан") Йигирма йил олдин тиш дўхтири бўлмай қочганим, роса алам қилди.(И. Абди, "Ти") Демак, лингвокультурологик жиҳатдан халкимиз мазкур медиконимемаларни уларнинг объект белгисига кўра (тиш, кўз, бурун, қулоқ, томоқ) хамда Ўзбек тилининг талаффуз нормаларига мослаштирган ҳолда (дўхтир) ифодалайди. Шунингдек, узбек тилида "ок халатли" бирикмаси кўлланилса, беихтиёр шифокор семаси гавдаланади. Одатда, факат шифокорлар эмас, бошка касб эгалари ҳам оқ халат кийишади, аммо шунга карамасдан, хаёлимизга биринчи бўлиб шифокор келади. Зеро, ушбу кийим тиббиёт рамзига айланиб улгурган: Ок халатли нажоткор ([www.biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz)) Шунингдек, тиббиётга оид шахс номлари семасини ифодаловчи лексемалар таркибига "табиб" лексемасини ҳам киритишимиз мумкин. Маълумки, ўзбек тилида табиб лексемаси денотатив хамда коннотатив маъноларга эга. Денотатив маъно жиҳатдан: Табиб - (а. Шифокор, даволовчи врач) тиббиёт илмидан муайян мутахассис тайёрловчи ўкув юртида таълим олмаган, ўз ҳаракати, ҳаётий тажрибаси оркали беморларни даволаш билан шугулланувчи шахс. [2, 627] Жамият тараккиёти билан олий укув даргоҳлари ташкилланиб, табобат илми ривожланди. Натижада, табиб лексемасидан тубдан фарқ киладиган янги байналмилал атама ҳисобланган доктор муомалада кўлланила бошлади. Чунончи, хозирги кунга келиб ҳам, табиб лексемаси ўз денотатив маъносида кўлланади: Табиб, кўй жигарини хом кабоб қилиб, бужгун сепиб енг, деган эди... дарди шифо топмабди. (М.Исмоилий, Фаргона т.о.) Коннотатив маъно жиҳатдан, "муаммодан фориг этувчи", "ечим топувчи", "ёмонликлардан сакловчي", "халос этувчи", "даволовчи", "шифо берувчи" каби семаларни ўзида гавдалантиради. Масалан: -Дардимга хаёlinи табиб эт! (А.Навоий "Лайли ва Мажнун") Доно ҳалкимиз: "Табиатнинг ўзи табиб", "Энг зўр табиб тозалик", -каби хикматли ибораларни кўп қўллайди. Ушбу иборалардан шуни тушунишимиз мумкинки, табиб лексемаси ўзбек ҳалки ҳаётида қадимдан алоҳида ўрин тутган.

Хулоса килиб айтганда, ҳар бир тилнинг лексик қатлами ўзгарувчан бўлиб, у шу ҳалкнинг тарихи, маданияти, жамият ва соҳа тараққиёти билан мос равища

## АДАБИЁТЛАР:

1. Узбек тилининг изоҳли лугати /А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - 6876.
2. Туракулов И. Тиббиёт комусий лугати. Тошкент: Қомуслар Бош Таҳририяти, 1994. - 2886.
3. Yakubovna, U. N. (2022). FEATURES OF TEACHING LEXICAL SKILLS IN THE CLASSROOM. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE &

**"INTEGRATION, EVOLUTION, MODERNIZATION:  
WAYS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION"**

INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor:  
7.429, 11(09), 169-174. 5

4. <https://wordhippo.com> бойиб боради.
5. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Tabiblik>

